

Уганда руҳонийсининг ўғли Исломни қабул қилди



12:19 / 15.12.2020 1445

Рухоний Девид Киганданинг ўн тўққиз ёшли ўғли Мусо Мунвангузи Киганда Исломни қабул қилганини эълон қилди. Бу ҳақда islamnews-ru сайти хабар берди.

Мунвангузининг сўзларига кўра, отаси Девид Кигандани нима учун Исо Масих Худонинг ўғли деб номланишини тушунтира беролмади. «У менга жавоб бера олмаганидан сўнг, мен ўзимни алдаётганимни ва алданганимни ҳис қилдим. Мен бу йўлдан узоқлашишга қарор қилдим», - дея таъкилади.

Allafrica.com нашрининг маълумотига кўра, ҳозирда Мунвангузи Ислом асосларини ўрганмоқда.

Хуршид Маъруф тайёрлади